

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда илмий ва илмий-техникавий фаолиятни амалга ошириш, илмий-техникавий ва инновацион ривожланишни таъминлаш учун қулай шарт-шароитларни яратишда мавжуд молиявий ва моддий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Хусусан, 2014-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмаларни молиялаштириш учун қарийб 800 миллиард сўм ажратилиб, уларнинг натижаларига кўра илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан 700 дан ортиқ ихтиро патентлаштирилди.

Шу билан бирга, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши мамлакат илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий ва илмий-техникавий фаолияти натижаларини тижоратлаштиришда мавжуд салоҳиятдан янада

тўлиқ фойдаланиш заруратини тақозо этмоқда.

Бироқ, илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларидан амалда фойдаланишнинг таҳлили уларни яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва жорий этиш жараёнида тизимли муаммолар мавжудлигидан далolat бермоқда, хусусан:

биринчидан, охириги 5 йил ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган ва патентланган ихтиролар сонининг йилига 0,5 фоизини ташкил этувчи тижоратлаштириш даражаси етарли эмас; иккинчидан, чоп этилган илмий мақолалар ва яратилган интеллектуал мулк объектлари сони илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари бўлиб қолмоқда, бунда уларни жорий этиш натижалари ҳисобга олинмаяпти;

(Давоми 3-саҳифада)

"YOSHLAR — KELAJAGIMIZ" DAVLAT DASTURI — AMALDA

Республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури ижроси давом этмоқда. Ишчи гуруҳлари ёшларнинг муаммоларини ўрганиб, уларни имкон қадар жойида ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Мухбирларимиз жойлардан хабар беради.

ДАДИЛ ҚАДАМЛАР, САМАРАЛИ НАТИЖАЛАР



Давоми 2-саҳифада

AES — CIVILIZATSION TARAQQIYOT BELGISI

ХАВФ-ХАТАР ҲАҚИДА АФСОНА

Дунёда хавфсиз нарсанинг ўзи йўқ. Қундалик янгиликларда одамлар сира кутилмаган ҳолатларда ҳаётдан кўз юмгани ҳақида кўп гапирилади. Мисол учун, бир хабарда Фарбдаги янги меҳмонхона менеждери мижозларга деразанинг қанчалик пишқилганини кўрсатмоқчи бўлиб, ўзини унга урган ва осмонўпар бинонинг юқори қаватидан тушиб кетгани айтилган эди. Демак, дераза ўнчалик хавфсиз эмас экан.

Бир донга гамбургер еб туриб, жон берганлар ҳақида ҳам хабарлар берилган.

Афсонага ўхшайди. Самолёт хавфсизми? Албатта, хавфли. Кези келганда, фожиали даражада хавфли. Лекин авиаҳалокатлар туфайли қанча одам ҳалок бўлган-у йул-транспорт ҳодисалари қанча одамни ҳаётдан олиб кетгани тўғрисидаги статистика самолётнинг мутлақо хавфсиз эканини исботлайди. Чунки ўртадаги фарқ минглаб нисбат билан ўлчанади.

Шу билан бирга, одамлар автомобиль хавфли экан, деб ундан умуман воз кечиб қўймагани ҳам рост. Автомобиль жуда хавфсиз. Ҳалокатлар эса, объектив ва субъектив инсон омилига,

баъзан табиат инжиқликларига асосланади.

Баланда ишлаётган кранчи ҳам, соатига 500 километр тезлик билан юрадиган поезд машинисти ҳам, умуман, ҳар қандай инсон шахсий ҳаёт ва ишда ўзини хавфсиз сезади.

Бу афсона эмас. Лекин ҳаёт барибир хавфсиз эмас. Шифокор нотўғри дори белгилаши туфайли ёки арзимаган жанжалдан асабийлашиш оқибатида бир зумда жон бериш ҳеч гап эмас.


Бу ҳам афсона эмас. Ҳамма гап эҳтиёт чораларида. Эҳтиётини қилган одам ўзгани ҳам авайлайди. Масалан, коинотга бир-иккита фазогирни юбориш учун минглаб олим йиллар давомида ишлайди. Ҳар қандай техникдан инсон зарар кўрдики, инженерлар, албатта, барча нуқсонларни топиб, бартараф этади. Бинолар қулагандан ёки ёнғин содир бўлиб, одамлар оташ ичида қолиб кетгандан кейин қурилишлардаги барча меъморий ва муҳандислик камчиликлари аниқланади ва келажакда ҳисобга олинади.

(Давоми 2-саҳифада)

ESHITDINGIZMI?

ЗИЁ МАСКАНИДАГИ ФИРИБГАР

ҚЎЛГА ОЛИНДИ



Талаба бўлишни орзу қилган ёш борки, ўзи танлаган йўналишга ҳужжат топшириб, тест синовларидан муваффақиятли ўтиш хаёли билан яшайди. Қабулнинг охириги ўн кунлигида ҳужжат топширувчилар сони кескин ортишини яхши биласиз. Яширишнинг хожати йўқ, абитуриентлар орасида мақсади нопоклар ҳам топилади. Шундайларни аниқлаш мақсадида ўтган йили Ўзбекистон Миллий университетидан синов тарихида биометрик назорат тизими жорий этилганди. Тажриба бу йил ҳам давом эттирилди.

Инновацион технология

биометрик маълумотлар (бизнинг ҳолатда бармоқ изи)га қараб паспорт чипини ўқийди ва сурат эгасини аниқлайди. Мазкур ҳолатда инсон омили минимумга келтирилган. Маълумотлар қисқа вақт ичида электрон тарзда университет базаси ва Давлат тест марказига тушади.

Бироқ шунча чоралар қўрилаётганига қарамай, ҳатто "ақли машина"ни аҳмоқ қилишга уринувчилар ҳам бор экан. Масалан, қаршилик Ф.А. Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида яшайдиган С.Х. ўрнига ЎЗМУ биология факультетининг тупроқшунослик

йўналишига ҳужжат топшироқчи бўлганида қўлга олинди.

Мана шунақа, қинғир ишнинг қийяги қирқ йилда ҳам чиқади, азизлар. ДНК бир хил бўлмагандек, биометрик паспорт чипидаги маълумотлар ҳам бир-бирига ўхшамасдир. Кейинги ўқув йилидан бошлаб отахон университетимизда абитуриент шахсини масофадан туриб аниқлашдан тортиб, ҳамма ҳужжатлар ва керакли маълумотларни веб-камера орқали базага жойлаш имконини берувчи махсус дастурлардан фойдаланиш кўзда тутилган.

P.S.: Жорий йилда республикамиздаги 60 та олий таълим муассасаси ва унинг 19 та филиалига 675 минг нафардан ортиқ абитуриент ҳужжат топширди. Бу ўтган йилга қараганда 54 мингтага кам. Бундай ўзгариш айрим йўналишлар бўйича кечки ва сиртки бўлимларининг очилиши билан изоҳланади.

Равшан
ОМОНОВ

DOLZARB MAVZU

ЖАМИЯТ ЮЗИДАГИ ҲУСНБУЗАР

Танишлардан бирининг ишлаш учун чет элга йўл олаётганини эшитсак ёки мардикор бозоридан сарғайиб турганини кўрсак, беихтиёр: "Аттанг, бекор қилипти-да", деймиз. Эҳтимол, шундайдир. Бироқ ҳеч ким болалигида мардикор бозоридан иш қидираман ёки чет элга қора мойга ботиб юраман деб орзу қилмайди. Бу ҳолат кўпроқ оиладаги етишмовчилик сабаб содир бўлмоқда.

"Чорсу" бозори бекаати олдида ғуж бўлиб турган аёл мардикорларнинг ёнидан ўтаётиб нигоҳим ер чизади. Бу ердаги оналаримиз, опа-сингилларимизнинг кўзига тик боқолмайман. Нега дейсизми? Чунки улар турмушининг оғир юкини елкалаб олишида жамиятда-

ги барча эркаклар қатори ўзимни ҳам айбдордек ҳис этаман. Қўзларидаги мунг, ташвишли ҳаёт, оғир меҳнат сийратини қуришга бардошим етмайди. Лекин агар бу кўзларга теран назар солсангиз кўпгина сирларни ошкор қилади. Улар билан бир дам ўтириб суҳбат қурганда эса, жамиятдаги муаммолар сув устига кўтарилган кўпикдек кўриниш беради.

— Ўн йилдан буён мардикор бозорига чиқаман, — дейди Бувайда туманидан келган Барно Хўжакулова (исм-шарифи ўзгартирилган). — Аслида чеварман. Аммо иш тополмаганим бонс, Тошкентга келиб тирикчилик қиламан.

(Давоми 2-саҳифада)

ҚАТАРДА КЎРИШГУНЧА



Бир ой давомида футбол иҳлосмандларига олам-олам қувонч бахш этган жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Ажойиб ўйингоҳлар, драматик беллашувлар, янгиланган мундиал рекордлари, ҳаяжонга бой лаҳзалар...

Мусобақани якунлаб берган сўнги икки ўйиннинг дастлабкисида ярим финалда омадсизликка учраган Бельгия ва Англия терма жамоалари учинчи ўрин учун кураш олиб борди. Мазкур баҳс тақдирини белгияликлар таркибидagi малакали ижрочилар ҳал қилди десак, адашмаймиз.

Учрашувнинг бешинчи дақиқасидаёқ қарши ҳужумда Томас Менье ҳисобни очди. Инглизлар голдан сўнг рақиб дарвозаси томон кўплаб ҳужумлар уюштирди. Учрашув сўнггида эса, Эден Азар ўртадаги фарқни иккитага оширди. Шу тарзда Бельгиянинг олтин авлоди мамлакат тарихида илк бор

мундиал совриндорлари сафидан жой олди.

Ниҳоят, финал. Миллий футбол тарихида биринчи бор финалга етиб келган Хорватия терма жамоаси ва иккинчи бор жаҳон чемпиони бўлиш учун интилаётган франциялик футболчилар майдонда саф тортди.

Ўйин шахматчиларнинг назорати остида ўтган бўлса-да, французлар рақиб ўйинига муносиб жавоб берди. Шундай бир пайтда катта саҳнага учрашувни бошқариб бораётган FIFA рефериси Нестор Питана чиқди. У аввалига Гривманнинг айёрлигига учиб, Хорватияга қарши жарима зарбаси белгилади. Жарима-

дан узатилган тўп хорватлар ҳужумчиси Манжукчица тегиб дарвоза тўридан жой олди. Хорватия саросимага тушмасдан олға интилди. Иван Перичич индивидуал маҳорат кўрсатиб ҳисобни тенглаштирди. Биринчи бўлим охирида эса, тўп Перичичнинг қўлига тегиб кетди. Ҳакам эса, VAR тизимида мунозаат қилиб, хорватлар дарвозаси томон пенальти белгилади. Ўн бир метрлик нуқтага яқинлашган Антуан Гризман барчасини маромига етказиб бажарди. Иккинчи бўлимда Поль Погба ва Килиан Мбаппе ҳисобни янада йирик-лаштирди.

(Давоми 2-саҳифада)

ЁШЛАР МАРКАЗИДА ЁЗ ҚИЗҒИН



2

ХОСИЯТ ЭНДИ БИЗНЕС-ЛЕДИ



3

КИЙИМЛИ "КИЙИМСИЗ"ЛАР



4

ЖАМИЯТ ЮЗИДАГИ ҲУСНБУЗАР

(Бошланиши 1-саҳифада)

“Ўз бизнесингизни йўлга қўйиш ҳақида ўйлаб кўрмадингизми, ҳозир тикувчилик цехидан яхшигина даромад ола билади”, — дея фарғоналик опамизга юзландик. У оғир хўрсиниб: “Ишлаган пулим кун қўришга зўрға етса, тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун маблағни қаердан оламан”, — деди. Жамиятимизда бизнесини бошламоқчи бўлганларга яратилган имкониятлар, “Ҳар бир оила — тадбиркор”, “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастурлари ҳақида маълумот берганимдан сўнг ўйга толди. Бу ҳақда бош қўтириб кўрмаганини айтди.

Ўзини мардикор бозорига урганларнинг аксарияти ижтимоий хабардорлик даражасининг пастлиги сабаб одамлар эшигида сарсон-саргардон бўлиб юргани ҳам рост гап. Бу опа-сингилларимиз бугунги ислохотлар мазмун-моҳиятини ҳали-ҳануз тушуниб етмаётгани йўқ. Боз устига ўзларининг жамиятдаги ўрнини билмайдиган, ҳақ-ҳуқуқини талаб қила олмайдиган.

Бозордаги қузатувлар натижасида кўпчилик аёлларнинг оиласи бузилгани, фарзандлари ёлғиз ўзининг

қармоғида қолиб кетгани ҳам аёнлашди.

— Турмуш ўртоғим билан ажрашганимизга ўн тўрт йил бўлди, — дейди наманганлик Дилобар Собирова (исм-шарифи ўзгартирилган). — Шаърий никоҳдан ўтганимиз сабабли алимент талаб қилолмадим. 21 ёшли ўғлим мактабга бормаган, ўқиш-ёзишни билмайди. Энди қурувчиларга шоғирда тушиб, хунар ўрганапти. 14 ёшли қизим шифохонада. Тузалиб кетса, мактабга бераман. Жилла курса, саводи чиқар. Қишлоқда икки хонали уйим бор. Аммо у томонларда иш топиш муаммо. Мардикор бозоридан юганимдан уялмайман. Ҳалол ишлаб, пул топялман, ахир. Аммо имкони бўлганда Наманганга қайтиб кетардим. Мусофир бўлиб юриш ўзимнинг ҳам жонимга теги.

Ҳа, уларнинг ҳаётига ҳавас қилиб бўлмайди. Иш берувчининг қўпол муомаласи, ички ишлар ходимларининг таъқиб, меҳнатига яраша ҳақини талаб қила олмаслик, ижарама-ижара сарсон-саргардонлик — барчаси киши қаддини букиб, иродасини мўрлаштиради. Оппоқ орзулардан олислаб, чиркин ҳаёт боққоғига улоқтириб юборади.

Бир дўстим “мардикор” сўзининг маъноси “мрднинг ишини қилувчилар”, дея изоҳлаганди. Бу қанчалик ҳақиқат эканини билмайман, аммо кези келганда эркакларни ҳам тисариллишга мажбур қиладиган оғир меҳнатдан қочмай, белини маҳкам боғлаб, хизматингизга тайёрмиз, деб турган бу аёллар кўчада миҳоз кутиб ўтирган, танасини, ориятини сотиб кун кўрайдиганлардан буткул фарқ қилиши аниқ. Улар орасида ҳомиладор аёллар, бўйига етган қизлар, 50-60 ёшни қаршилаган онахонлар ҳам борлиги кишини янада даҳшатга салади.

Мардикор бозоридан бир неча мутасадди ташкилот вакиллари ҳам учратдик. Хусусан, Хотин-қизлар қўмитаси аёлларнинг тақдири билан қизиқиб, уларни ўз ҳудудида иш билан таъминлашга киришган. Ҳар қайси ҳолат юзасидан вилотлардаги мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилмоқда.

Фикримизча, муаммони ҳал этиш биргина қўмитанинги иши эмас. Давлат ва нодавлат ташкилотлари бирлашсагина самарага эриша оламиз.

Санжар ЭШМУРОДОВ

ДАДИЛ ҚАДАМЛАР, САМАРАЛИ НАТИЖАЛАР

(Бошланиши 1-саҳифада)



Кўшкўпирда тадбиркор Исроҳ Каримов “Yoshlar mehnat guzari”ни барпо этишга киришган. Дўстимиз уни мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллигига совға сифатида қуриб битказмоқчи. Келгусида янги иншоотда дорихона, стоматология, гузаллик ва тўй либослари салонлари, фитнес

клуби, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси, сартарошхона, умумий овқатланиш объекти фаолият кўрсатади. Шофирконлик Аловиддин Астанов ташаббуси билан қад кўтарилган “Yoshlar mehnat guzari”да эса, 20 нафарга яқин йигит-қиз иш билан таъминланади.



Вобкент туманида ишчи гуруҳлари ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, уларга бу борада зарур тавсиялар беришга алоҳида эътибор қаратади. Ўрганишлар давомида мутасаддилар томонидан касаначилик билан шугулланиб келаётган тенгдошларимизга имтиёзли кредит асосида тикув машиналари олиб берилди.



Ёшлар иттифоқининг Сирараё вилоти кенгаши ташаббуси билан Сайхунбод туманида Ёшлар сайли ташкил этилди. Тадбир давомида ўқув семинари форматда “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастурининг мазмун-моҳияти тушунирилиб, ёш фермер ва тадбиркорлар маҳсулотларининг кўрсаткичи, буш иш уринлари ярмаркаси ташкил этилди.

Ўйчи туманидаги ўрганишлар чоғида ҳудудда намунавий лойиҳа асосида “Yosh tadbirkorlar” қоворкинг-марказини барпо этишга келишиб олинган эди. Кунни кеча марказнинг биринчи ғишти қўйилди. Муассаса фойдаланишга топширилса, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган фойдаланиш тадбиркорлар кўпаяди, деган умиддамиз.



YOZ — 2018

ЁШЛАР МАРКАЗИДА ЁЗ ҚИЗҒИН

Н.МИЯССАРОВА, С.ЭШМУРОДОВ фоторепортажи

Айни вақтда республикамизнинг барча ҳудудларида Ёшлар марказлари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон ёшлар Иттифоқи тизимидаги ушбу муассасалар таътил кунларида, айниқса гавжум. Шароитларни ўз кўзимиз билан кўриш мақсадида Республика ёшлар марказининг Миробод тумани бўлини масга таширф буюрдик. Жорий йилнинг февраль ойида ишга тушган марказда уч юз нафарга яқин йигит-қиз касб-хунар сирларини ўрганиб, турли фан тўғаракларида билимини мустаҳкамлапти.

Бу ерда тасвирий санъат, тикувчилик, тўқувчилик, пазандалик, сартарошлик, инглиз ва рус тиллари, компьютер саводхонлиги, қаратэ тўғараклари ҳамда “Ёш математиклар”, “Ёш ижодкорлар” клублари фаолият кўрсатмоқда.

Ҳар ойда бир марта очик дарслар ҳам ўтказилиб, уларда ота-оналар ва бошқа вакиллар қатнашиши мумкин. Келган меҳмонлар педагогларнинг ишлаш услуби ва таълим самарадорлигига баҳо беради.

Тўғараклар уч ойга мўлжалланган бўлиб, дарсларни якунлаган йигит-қизларга маълумотнома берилди.



Шоҳида Файратова раҳбарлигидаги тикувчилик тўғаракига 60 нафардан зиёд қиз аъзо. Улар фақат тикувчилик билан чекланмай, дизайнерлик йўналишини ҳам тўлақонли ўзлаштирмоқда. Қизларнинг эскизларини кўриб, кўзингиз қувнайди.



— Уч нафар набирам марказда тўқувчилик сирларини ўрганмоқда. Бугун яна учтасини расомлик тўғаракига олиб келдим, — дейди Мухаббат Матниёзова. — Тўғаракларнинг бепул экани айни муддао. Чунки барчанин ҳам қўшимча дарслар учун ҳақ тўлашга қўрби етмайди. Аввалига бепул бўлса, ўқитиш ҳам ўзига ярашади, деб ўйлагандим. Лекин ундай эмас экан. Таълим сифатидан хурсандман. Мухими, қақажонларимнинг таътили мазмунли ўтди.



— Ёшим ўнда, — дейди тўқувчилик тўғарак аъзоси Арофат Нормирзаева. — Келганимга икки кун бўлди. Ҳозир занжир усулини ўрганаётиман. Шунинг уздам кейин мураккаброқ ишларга ўтаман. Биринчи бўлиб оймга шарф тўқиб бермоқчиман. Улар роса хурсанд бўлади.

ҚАТАРДА
КЎРИШГУНЧА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Угр Ўбориснинг ҳатосидан фойдаланган Марио Манжукчи орадаги фарқни бироз қисқартирган бўлса-да, Франция 20 йиллик танафусдан сўнг яна жаҳон чемпиони бўлди. Диде Дешам эса, ҳам футболчи, ҳам мураббий сифатида мазкур кубокни қўлга киритган учинчи инсонга айланди.

Мазкур турнир голларга бой бўлгани билан ажралиб турди. 64 та ўйиннинг фақат биттасида ҳисоб очилмагани эътиборга молик. Шунингдек, мазкур мундиал энг кўп пенальти, энг кўп стандартлардан урилган гол, энг кўп автоголлар киритилган чемпионат бўлиб тарихга кирди. Шунингдек, унда илк бор VAR — видео-такорлар тизимидан фойдаланилди. Бу янгиликни айримлар футбол ҳиссиётларини йўқ қилади деса, бошқалар аниқликни таъминлашда қўлай восита, деб маъқуллади. Аммо финалда айнан шу тизим ўйин ритмига катта таъсир қўллади.

Мусобақа давомида Россия, Уругвай, Хорватиянинг ўйини мутахассис ва мухлисларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, Хорватия бизга кўп нарсаларни ўргатди. Ёрқин юлдузсиз, меҳнаткаш,

тартиб-интизомни биринчи ўринга қўядиган жамоа финалда тўп суриш мумкинлигини барчага намоён этди.

Ўзбекистон учун ҳам бу мундиал алоҳида аҳамиятга эга бўлди. FIFA рефериси Равшан Эрматов икки ўйинни бошқарди. Агар қанот ҳақамимиз Абдулхамидулло Расулов жароҳат олганида ўйинлар сони янада кўпайиши аниқ эди. Равшан Эрматов гуруҳидан ташқари, мундиалда Олим Арифов комиссар, Фарҳод Абдуллаев ҳақамлар назоратчиси сифатида иштирок этди.

Ўзбек футбол тарихида биринчи марта жаҳон чемпионатида бош ҳакам ва унинг ёрдамчилари, ҳақамлар назоратчиси ва ўрашув комиссарси тўлиқ таркибда фаолият олиб борди.

Шундай қилиб, “Россия — 2018” футбол беллашувлари нҳоясига етди. Олинда бизни Осиё майдонларида бўлиб ўтадиган “Қатар — 2022” баҳслари кутмоқда. Миллий терма жамоамизнинг бу йўлдаги ўйинларига омад ёр бўлиши тилаб қоламиз.

Шерзода МАҲМУДОВ



ХАВФ-ХАТАР ҲАҚИДА АФСОНА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Шу тариқа ҳаёт инсониятни хатоларини тўзатиб бориб, мукамал бўлишга ўргатиб келади.

Атом электр станциялари анчадан буён одамзога хизмат қилади. Дунёда юзлаб АЭСлар ишлаб турибди. Бу станцияларга ҳар кун қатнаб ишлайдиганлар, АЭСларнинг ён-атрофида яшайдиган аҳоли радиациянинг зараридан ҳеч қўрққан эмас — ишдан бўшаб кетгани ёки кўчиб кетгани йўқ. Сабаби, станциянинг хавфсиз эканига ишонади.

Тўғри-да, модамики, инсон урандек хавфли унсурда ишлайдиган электр станцияси қўрқоқчи экан, аввало, радиацияни жийовлайди, эҳтимолдаги бошқа хавф-хатарнинг олдини олади. Эвазига миллионлаб тонна ёқилғини тежайди. Шу тариқа АЭСлар атмосферани ҳам “тинч

қўяди”. Тўтун бўлмаганидан кейин нима зарари бўлсин!

Шу маънода, юртимизда АЭС қурилиши ҳақидаги янгилик айримларни ўйлантириб қўяганининг сабабларидан бири хавф-хатар ҳақидаги афсоналарга ҳаддан ортиқ ишониб қолганлик бўлса, эҳтимол. Аслида чуқурроқ фикр юритилса, ҳеч ким ўз-ўзидан катта бир мажмуани қуриб қўймоқчи эмас. Аввало, унинг илмий, иқтисодий, логистик ва кўпжа бошқа асосламалари ишлаб чиқилади.

Дейлик, тиш-тирноғигача қуролланган махсус хизмат ходими махсус операциясига бориш учун автобусга минмаганидек, АЭС қўрқоқчи бўлганлар ҳам ёш боланинг қўлига граната бериб қўядиган одамлар эмас.

Ана бу афсона эмас.

Инсоният дарёларда дамба қуради. Бу хавфли эмасми?

Жуда хавфли-да. Тўғон ёрилиб кетса, шаҳару қишлоқларни сув босади, минглаб одам ҳалок бўлади, қанча катта майдондаги экин нобуд бўлади. Ерлар анча вақт яроқсиз ҳола қолади.

Лекин дамбани, жўнроқ айтганда, кўчадан келган одамлар лойиҳалаштириб, барпо этмайди. Қўрган одам ишни пишиқ-пўхта қилади. Натижада вегетация даврида қишлоқ хўжалиги экинлари сув ичади, гидрогенераторлар электр беради, ўз таннарини қўлаганидан кейин умуман “сув текинга” ишлайди. Қолаверса, тўғон тўплаган сув бўйида олиш масканига айланади, соҳилларда туризм инфратузилмаси ривожланади.

Ўрни келганда айтиш мумкин, масалан, Тошкент вилоятидаги “Чорвоқ” ГЭСидан бирон киши хавотирланмайди.

Бу афсона эмас.

АЭС ҳам худди шунингдек — беҳавф, таннарини қўлаганидан кейин “сув текинга” хизмат қилади. Бизда уран конлари бор экан, қуруқдан-қуруқ хомаш-ёни сотиб, цивилизациянинг АЭСдек неъматидан фойдаланмаслик, қайсибир маънода, узоқни кўра билмасликдир.

Биз қадимий меъморий обида ва қадимжоларимиз билан бир қаторда метро, дунёдаги энг баланд ўз “ҳамкасблари” орасида виқор билан турган телеминара, улкан санаот иншоотлари ва қўлаб бошқа ютқларимиз билан фахрланамиз. Бундай фахрий мажмуаларимиз яна бир энг ноёби билан бойийдиган бўлса, бунинг учун фақат қувониш керак.

Хавф-хатар ҳақида эса ҳалими афсоналар кўп бўлган.

Музейяна МАШРАБХОН

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Бошланғич 1-саҳифада)

учинчидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари уларнинг тасарруфидаги илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий ва илмий-техникавий фаолияти натижалари учун, шунингдек, илмий-техникавий дастурларга давлат маблағлари сарфлашишнинг самарадорлиги учун лозим даражада масъулиятни намоён этмайпти;

тўртинчидан, илмий тадқиқотларни молиялаштиришнинг, шу жумладан, илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмалар рўёбга чиқарилишида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари иштирокини рағбатлантиришнинг самарали воситалари жорий этилмаган;

бешинчидан, амалдаги стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизими илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини ишлаб чиқаришга тежорик билан жорий этишни таъминламапти.

Маҳаллий илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмаларни жадал жорий этишни таъминлаш, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини кўнрайтиришда илм-фан ҳиссасини ошириш, шунингдек, илмий ва илмий-техникавий фаолиятнинг истиқболли маҳаллий ютуқларини илгари суришнинг самарали механизмларини яратиш мақсадида:

1. Куйидагилар илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда муассасалар деб юритилади) илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш соҳасидаги асосий вазифалари этиб ҳисоблансин:

республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини жадал ва кенг жорий этиш;

фанларро алоқаларни, шу жумладан, халқаро фанларро алоқаларни шакллантириш жараёнларини рағбатлантириш, қўшма дастурлар ишлаб чиқиш ва жамоаларни яратиш;

илмий ва илмий-техникавий фаолиятни иқтисодиёт тармоқлари ва илмий-техникавий соҳани ривожлантиришнинг аниқ вазифаларини ҳал этишга, шунингдек, ички ва ташқи бозорлар эҳтиёжларини қондиришга қаратилган амалий натижаларни олишга йўналтириш;

юқори технологияли ишлаб чиқаришларни яратишга хизмат қиладиган юқори технологияларни ишлаб чиқиш соҳасида инновацион тадқиқотларни олиб бориш;

тадқиқотларни мамлакатни изчил ривожлантириш бўйича

замон талабларига жавоб берадиган, тижоратлаштириш даражаси юқори бўлган маҳсулотлар ва технологияларни тайёрлашга ишлаб чиқишга йўналтириш.

2. Куйидагилар илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштиришнинг асосий усуллари этиб белгилансин:

илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларидан фойдаланган ҳолда яратилган товарларни (бажарилган ишларни, кўрсатилган хизматларни) реализация қилиш ёки ушбу натижалардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

тижорат ташкилотларини ташкил этиш, бунда уларнинг таъсисчиларидан бири устав фондига ҳисса сифатида интеллектуал мулк объекти ёки тайёр технологияни киритган муассаса (ёки ихтисослаштирилган аффилиланган ташкилот) ҳисобланади;

интеллектуал мулк объектига бўлган мулк ҳуқуқларини учинчи шахсларга ўтказиш ва мазкур объектлардан фойдаланиш ҳуқуқини лицензия шартномаларини тузиш орқали, шу жумладан, уларни кейинчалик ушбу ҳуқуқлар олувчиси томонидан тижоратлаштириш шартини билан бериш.

3. Вазирлик ва идоралар томонидан шартнома асосида харид қилиш орқали тижоратлаштирилмаган ишланмалар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, иловада кўрсатилган ишланмаларни ўз вақтида тижоратлаштирилмаганлиги ва сифатсиз тижоратлаштирилганлиги учун уларни жорий этишга жавоб берадиган шахсларга нисбатан уларнинг ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима шақлида интимиқ жазо чоралари қўлланилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йил ва ундан кейинги йилларга мўжалланган параметрларини шакллантиришда "Илм-фан" модаласи бўйича ажратилаётган маблағлар доирасида куйидагиларни амалга ошириш учун маблағларнинг камида 20 фоизи йўналтирилиши назарда тутилсин:

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини, шу жумладан, давлат-хусусий илмий кластерларини яратишга, илмий-техникавий тадқиқотларни республика иқтисодиёти тармоқлари ва минтақалари эҳтиёжларига мослаштиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш;

илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштиришга, шу жумладан, бюджет маблағлари олувчилар фаолиятини тегишли масала-

чилар томонидан экспертизадан ўтказиш, қўллаб-қувватлаш, халқаро стандартларга мувофиқ бизнес-режаларни тайёрлашга грантлар ажратиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академиясининг 2018 йил 1 октябрдан бошлаб куйидагиларга қўшимча бир марталик мукофотлар жорий этиш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин:

патентланган интеллектуал мулк объекти муаллифларига муассасанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорда;

муаллифлар ҳамда илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини ишлаб чиқиш ва тижоратлаштиришда иштирок этган илмий жамоага уларни тижоратлаштиришдан муассаса ҳисобига келиб тушаётган маблағларнинг тегишли равишда 40 ва 30 фоизи миқдорда.

6. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмаган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар дастурларини бажариш доирасида муассасалар томонидан яратилган илмий ва илмий-техникавий фаолият натижалари, давлат илмий-техник лойиҳалар яқунланганидан ва (ёки) улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан кейин тижоратлаштирилиши лозим, фундаментал тадқиқотлар натижалари, шунингдек, гуманитар ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш учун мунтазам равишда инвестицияларни жалб қилишни таъминлаш масъулиятини юклатилсин.

муассасаларнинг илмий кенгашири ишлаб чиқариш сирини (ноу-хау) ёки тижорат сирини режимида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини интеллектуал (номоддий) натижасини қўриқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига илмий ва илмий техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш учун мунтазам равишда инвестицияларни жалб қилишни таъминлаш масъулиятини юклатилсин.

8. Хўжалик бошқаруви органлари ва йирик давлат корхоналарига самарасиз ва маънавий эскирган инфратузилmani алмаштириш, шунингдек, атроф-муҳитни инфосулантириш даражасини пасайтириш имконини берадиган янги техника ва экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш билан боғлиқ тадбирларни фаол молиялаштириш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги:

а) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда илғор хорижий тажриба ва миллий амалиётни ўрганиш натижалари асосида куйидагилар тасдиқланганини назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан яратилган илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштиришнинг амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом;

тижорат сирини режимида қўриқланадиган интеллектуал мулк объектига, шу жумладан, патентлаш имкониятига эга бўлган техник ечимлар ва ишлаб чиқариш сирларига (ноу-хауларга) бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш ва бериш тўғрисидаги низом;

муаллифлар ҳамда илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини ишлаб чиқиш ва тижоратлаштиришда иштирок этган илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий жамоаларига қўшимча бир марталик мукофотларни тўлаш тартиби тўғрисидаги низом;

б) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда илмий ва илмий-техникавий фаолиятнинг тижоратлаштирилган натижаларини сонини асосий мезонлардан бири сифатида назарда тутган ҳолда муассасаларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонларини белгилаш бўйича таклифларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда ишлаб чиқаришда жорий этишга тайёр илмий ва илмий-техникавий натижаларни тижоратлаштириш учун техник-иқтисодий асосларни тайёрлашда муассасаларга қўмақлашсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан яратилган интеллектуал мулк объекти бўйича ахборотнинг "Инновацияларнинг виртуал ярмаркаси" интерактив интернет-порталини янгилаш учун доимий асосда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилишини таъминласин.

11. Белгилансинки: инновацион маҳсулотларга доир давлат стандартлари Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги:

нинг буюртмаларига мувофиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳузуридаги стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар томонидан ишлаб чиқилади;

инновацион маҳсулотларга доир давлат стандартлари истиқболда аънавий технологиялар имкониятларидан илгарилаб кетадиган бошланғич талаблардан иборат бўлиши ва халқаро стандартларга ёки ривожланган хорижий мамлакатларнинг миллий стандартларига мос келиши лозим;

тажриба ва серияли ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадида янги инновацион маҳсулотларга давлат стандартларини рўйхатдан ўтказиш ва сертификатлар олишга қилинган харажатлар Инновацион ривожланиш ва новаторлик фойаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги муассасалар томонидан илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини хорижда тижоратлаштиришга, шунингдек, уларни халқаро бозорларда илгари суришга дипломатик воситалар орқали қўмақлашсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шаҳар (туман)лар ҳокимликлари ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги инновацион фойалар, ишланмалар ва технологиялар марказлари билан биргаликда республика олимларининг илмий-амалий ва инновацион лойиҳалари ҳамда ишланмалари учун хўжалик юритувчи субъектларнинг буюртмалари портфелини шакллантирсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р.Холмуродов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири И.Ю.Абдурахманов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 14 июль



ХОСИЯТ
ЭНДИ
БИЗНЕС-ЛЕДИ

Жалақудуқлик Хосият Раҳмонова (юқоридаги суратда) олий таълим муассасасига кира олмагач, чеварга шогирд тушди. Соҳа сирларини обдон ўрганиб олгач, шахсий бизнесини очиниши ўйлади.

Мана, муроди ҳосил бўлди. Яқинда юртимизда қабул қилинган "Yoshlar —

kelajagimiz" Давлат дастури доирасида Ёшлар иттифоқи кўмаги билан банкдан имтиёзли кредит олиб, мини цех очди. Ҳозир Хосият олти нафар тенгдошини иш билан таъминлаган. Келажакда корхонасини кенгайтириб, маҳсулотларни экспорт қилишни ният қилган.



А.АБДУРАҲИМОВ фотолавҳаси.

BUGUNNING GAPI

ЖИЗЗАХДА РЕГИСТОН БОР(МИ)?

Фаррухжон МИЗРОБОВ

Коллежни энди тамомаётган Алишер онасига: "Диплом олгач, чет элда ишламоқчиман. Анави, Эшмат ака одам йиғиб, Россияга олиб бораётган экан. Айтишча, яхши ҳақ тўлармиш, мен ҳам уларга қўшимча бормоқчиман", — деди.

— Болам, айни ўқиб-изланишнинг, касб эгаллашнинг керак бўлган вақтда, бу нима гап? — қуюнди онаси. — Мана, амакининг ўғли Рустамжон олий ўқув юртини тутати, катта фирмада ишлайпти. Мусофирлик азобини бичмайсан-да. Ундан кўра, Рустамжонга ўхшаб оиланг, яқинларинг бағрида юриб, бир ишинг бошини тутсанг-чи. Пул кетидан қувиб, келажингни барбод қилма!

Ҳали мустақил ҳаётнинг "об-ҳавоси"ни тотмаган Алишерга ўхшаб гўр ёшлар эртасини ўйламай фикр юрийтиши киши таъбини хира қилади. Ахир, танимаган кимсаларга эргашиб, олис юртларга отланиш тўғрими?! Ҳали бирор ерда мустақил ишлаб

кўрмаган инсон ҳаётнинг захматини қаердан ҳам билсинг...

Узоқ йиллар давомида чет элда ишлаган Эшмат ака анча мени кўриб: "Кимнинг ўғлисан?" — деб сўради. Ўзимни таништиригимдан сўнг, қаерда ўқишини ҳам айтдим. Коллежим Регистон майдони яқинида жойлашганини тушунтирдим.

— Э ҳа, Жиззахда ўқийсанми? — деди Эшмат ака. Очиги, бошида ҳазиллашяпти, деб ўйладим. Сўхбат давомида ўзга юртда яшаб, узлигини унутиб қўйгани, ҳатто Регистондек дунёга маълуму машҳур қадамжонинг қаерда эканини билмаслигига амин бўлдим. Шунда онамнинг гаплари ёдимга тушди.

Четга чиқиб, миллионлар топиб келатганлар бор. Аммо Париж, Лондонни билиб, Самарқанда, Бухорони унутган бундай давлатмандларни ўзбек, дейишга тилинг бормайди.

"TRADE CONSULT SERVICE" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

2018 йил 17 август куни соат 15:00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

"СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШ БОШҚАРМАСИ МАХСУС АВТОХЎЖАЛИГИ" давлат муассасаси ҳисобида бўлган куйидаги автотранспорт воситалари сотувга қўйилмоқда:

1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/388ССА бўлган "Damas". Бошланғич баҳоси — 7 763 000 сўм.

1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/390ССА бўлган "Damas". Бошланғич баҳоси — 7 683 000 сўм.

1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/42ССА бўлган "Gaz 31029". Бошланғич баҳоси — 2 801 000 сўм.

1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/428ССА бўлган "Damas". Бошланғич баҳоси — 8 280 000 сўм.

1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/465ССА бўлган "Damas". Бошланғич баҳоси — 7 844 000 сўм.

1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/630ССА бўлган "Damas". Бошланғич баҳоси — 7 834 000 сўм.

1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/639ССА бўлган "Damas". Бошланғич баҳоси — 7 744 000 сўм.

1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/640ССА бўлган "Damas". Бошланғич баҳоси — 7 753 000 сўм.

1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/645ССА бўлган "Damas". Бошланғич баҳоси — 8 386 000 сўм.

1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/807ССА бўлган "Damas". Бошланғич баҳоси — 8 239 000 сўм.

1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/851ССА бўлган "Damas". Бошланғич баҳоси — 7 552 000 сўм.

1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/045ССА бўлган "Damas". Бошланғич баҳоси — 8 176 000 сўм.

1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/147ССА бўлган "Damas". Бошланғич баҳоси — 8 186 000 сўм.

1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/618ССА бўлган "Damas". Бошланғич баҳоси — 8 440 000 сўм.

1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/311УВА бўлган "Damas". Бошланғич баҳоси — 8 228 000 сўм.

2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/320УВА бўлган "Tiko". Бошланғич баҳоси — 3 699 000 сўм.

Юқоридаги мулклар 2018 йил 17 август куни сотилмай қолган тақдирда аукцион савдослари 27 август, 7 ва 17 сентябрь кунлари соат 15:00 да ўтказилади.

Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланганидан

1 (бир) иш куни олдин соат 15:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан кейин автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Trade Consult Service" МЧЖнинг АТБ "Туронбанк", Яшнобод

филиали, МФО: 01083, СТИР: 304454706, 20208000800701688001 ҳисоб рақамига тўлаши ва куйидаги ҳужжатларни топшириши керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, закалат пули тўлагани ҳақида тўлов қорози.

Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Қўшимча маълумотларни Тошкент шаҳар, Мирзо Улўбек тумани, Бўз-2 кўчаси, 69-уй манзили ёки +998 95 169 55 50 телефон рақами орқали олиш мумкин.

Гувоҳнома № 011315.

1 SAVOLGA 1 JAVOB

— Do'stim muddatli harbiy xizmatni shartnoma asosida davom ettirmoqda. Ayni paytda ijarada yashayapti. Uy-joy masalasida harbiy xizmatchilar uchun qanday imtiyozlar ko'zda tutilgan?

Abdulla AHMEDOV
Kitob shahri

Savolga O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi yuridik xizmati boshlig'i o'rinbosari, mayor Muzaffar MAQSUDOVI javob beradi:

— O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari harbiy xizmatchilarini turar joy bilan ta'minlash tartibi to'g'risida gi nizomga muvofiq, harbiy xizmatchilar hamda ularning oila a'zolari davlat tomonidan tekina uy-joy bilan ta'minlanadi.

Agar buning imkonini bo'lmasa, Prezidentimizning 2005-yil 30-iyundagi "O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarining harbiy xizmatchilarini ijtimoiy muhofaza qilishni ta'minlash borasidagi qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi

qaroriga asosan ularga ijaraga to'lovi uchun pul kompensatsiyasi beriladi. Toshkent shahrida bu miqdor kommunal xizmatlarni hisobga olinmagan holda eng kam ish haqining to'rt baravarigacha, viloyat markazlarida uch baravarigacha hamda respublika-mizning boshqa shaharlari, tuman markazlari va aholi punktlarida ikki baravarigacha etib belgilangan. Oila a'zolari uch kishi va undan ko'p bo'lgan taqdirda pul kompensatsiyasi miqdori 50 foizga oshiriladi.

KITOB JAVONINGIZGA

BEGONALIK IZTIROBI

Hasan USMONOV

Olti yoshida Ismoil volidasidan judo bo'lib, o'gay onaning qo'lida qoldi. Shundan keyin boshiga ne savdolar tushmadi. Buni hatto tasavvur qilish qiyin. Bolaning keyingi qismati qanday kechdi ekan? Ushbu savolga turk adibi Ahmad Lutfi Qozonchining "O'gay ona" romanini o'qib chiqqach, to'kis javob olasiz.

O'gay ona Sanihaxonim Ismoilga mehr ko'rsatmadi, yosh bolani judayam og'ir yumushlarni bajarishga majbur qildi. Otasi esa, bunga sira e'tibor qaratmasdi. Uydagi hech kimga keragi yo'q edi, go'yo. Faqat qo'shni qiz Fotima Ismoilga hamisha dalda berib keldi. Onasini sog'inagan bolakay



nuqul qayergadir kitob qoladigan odat chiqardi. Bir kuni otasi orqasidan kuzatib bordi. Ismoil qabriston tomon shoshardi. Onasining xoki poyiga keldi. Dunyoda shu bir uyum tuprog'idagidek taftni hech kimdan, hatto o'z otasidan topolmagan bola qabr yonidan bo'yiga mos chuqur qazib ko'ygandi. Ichiga yotib, yuziga bo'z parchasini yopib oldi. Birdan

nimanidir payqaganday sapchib turdi. Qarshisida otasini ko'rdi. Uning savol ma'nosidagi nigohiga javoban, past ovoza: "Onamning quchog'ida yotibman. Endi bu yer mening uyim", — deya oldi, xolos.

Muallif mehrsizlikning oqibatini ana shunday ta'sirchan voqealar orqali mohirona tasvirlashga harakat qilgan. Fotimadek irodasi baquvvat qiz haqidagi asar davomida ko'p so'zlanadi. "U bu yil o'n to'qqizga qadam qo'yd..." Bo'yi yetgan qizlar kabi atrofdan so'rala boshlandi... Bir kuni uni ikki bolali beva erkakka so'rab kelishdi". Ota-onasi va yaqinlarining qarshiligiga qaravay, qiz bunday qismatga rozi bo'ladi. Ikki norasidaga o'z onasidek qaravayman, degan ezgu niyatni diliga tugadi. Ha, Fotima Sanihaxonim kabi beshafqat ona bo'lishni xohlamadi. Yetim bolalarning boshini silab, o'z farzandidek tarbiyalashga qaror qildi.

Ahmad Lutfi Qozonchi "O'gay ona" romani orqali insoniyatni mehr-oqibatli bo'lishga chorlagan. Asarni albatta mutolaa qiliasiz, degan umiddamiz.

HAYOT SABOG'I

"KICHIK XO'JAYIN"NING KATTA JAZOSI

Baxtiyor BO'KAEV

Maktabda o'qib yurganimizda yozgi ta'til davrida yuqori sinf o'quvchilaridan jamoa xo'jalikka yordamchi sifatida dag'al xashak jam'arish brigadasi tuzildirdi. 9-sinfni tamomlagach, biz ham shu ishga jalb qilindik.

Bir kuni bizni cho'l zonasida joylashgan xo'jaliklardan biri-ga olib borishdi. U yerda nafaqat paxta, balki sabzavot va poliz mahsulotlari ham yetishtirilardi. Ayniqsa, qovun dalasining cho'g'i baland edi. Iyun oyi emasmi, hali qovunlar uzilmagan. O'smir baribir o'smirda. Hidi dimog'ni qitqilab, chiroyi ko'zni oladigan nasiba yerda dumalab yotadi-yu, indamay yantog'imizni chopib yuramidik. Ikki-uch o'rtog'im bilan darrov polizga tushdik. Qo'lga ilinganini qo'ltiqlab endi quyoning rasmini chizamiz deb turganimizda, poliz egasining besh-olti yashar o'g'li kelib qoldi. Jo'yakka yotib oldik. Rasvo bo'ldi, hozir otasini chaqiradi. Yo'q, negadir u sasini chiqarmadi. Kuza-tishda davom etdik. Bolakay narsalarimiz atrofidagi kuymalashar, ahyon-ahyon biz tomonga ham qarab qo'yardi. Qovun o'g'irlaganimizni sezmadik,

shekilli.

Shu o'zidan biroq yengil tortib, "o'lja"ni qo'ltiqlab emaklashga tushdik. Yosh boladan berkinib, shu afzoda qochayotganimiz uchun bir-birimizning ustimizdan kulamiz. Nihoyat, polizdan uzoqlashib, qum tepaliklar panasida "o'lja"ni paqqos tushirdik.

Kun ham og'ib qoldi. Nam tushib etlar junjikdi. Issiqlab yechib qo'rgan ko'ylagimni kiyaman desam, joyida yo'q. Bolalardan so'rayman, yelka qisadi, qidiraman, qani topilsa... Kun bo'yi chopgan yantog' jam'arimni ag'darib chiqdim, befoya. O'rtog'larim hazillashmagan, chunki o'zlarini mashinaga chiqqib olib, tezroq uyga ketish ilinjida meni kutaypti. Birdan bolakay esimga tushdi. Aytgancha, kunduzi u aynan shu yerda timsirkilanib yurgandi.

— O'sha olgan, — deb kuladi jo'ralarim. Bolaning oldiga bordim.

— Men olmaganim, — beparvo javob berdi u. — To'g'risini aytil! — Nega qovun o'g'irlading?

— Men o'g'irlaganim yo'q!

Bola ko'zimga baqrayib tikilib turaverdi. Yaxshi gapirib, rostini aytmasam, uni yo'lga sololmasligimni tushundim.

— Kechir, boshqa qilmayman, o'zing aqli bolasan-ku, ko'ylakni ber. O'rtog'larim ketyap-

di. Kechga qoldik. — Ko'ylaging bu yerda emas, hu ana o'sha polizda, — dedi u. — Polizdan ham topolmadim, yur o'zing ko'rsataqol, uka.

Bolakay yaxshi gapimdan biroz eridi, shekilli, indamasdan oldimga tushdi. Yo'l tikanli bo'lib, juda sekin yuridik, ustiga-ustak, o'zidan kichik singlisi ham injiqqanib bizga ergashdi.

— Tez yur, tirrancha, — deyman toqatim-toq bo'lib.


— Nima? Bormayman! — Xo'p-xo'p. Senga aytmadim. Tezroq yuraylik, ukajon. Bir payt singlisining oyog'iga tikan kirdi chog'i, yig'lab yubordi. Qara, degandek menga imo qildi bola. Nachora, o'rtog'larim tinmay chaqirayotgan bo'lsa, qishloqqa maykachang borib bo'lmasa, shu tirranchaning aytganini qilishga majburman endi. Ozgina yurgandik singlisi ariqchadan o'tolmay yig'lab. Ko'tarib oldim. Nihoyat, poliz yonidagi bir ko'lmak oldida to'xtadik.

— Ana ko'ylak, — dedi bolakay. — Qani? — deyman hech narsani tushunmay jimirlab turgan ko'lmakka qarab.

— Suv ichiga ko'mib qo'yganman...

Balchiqqa botib yotgan ko'ylagimni tortib oldim. Alam qildi. Bolakay ko'zlarini javdiratib tikilib turardi. Nihil g'azabimni ichimga yutdim. Yosh bolani urib, so'kib bo'lmasa. Buning ustiga u haq edi. Ko'ylagimni suvda yuvib, ho'lligicha egnimga ildim-da, jo'ralarim oldiga chopdim. Yugurayman-u, bir yosh bolaning boplab ta'zirimni berganiga ich-ichimdan tan berardim.

SARATONDA KUN TIG'IDA PISHIB TERLAR, MEHNAT KODEKSIDAN BEXABAR ERLAR !..



SIZ NIMA DEYSIZ?

KIYIMLI "KIYIMSIZ" LAR

Ma'mura XO'JAULOVA

Kiyinish ham bir madaniyat. Kishi qanday kiyinganiga qarab did-farosati, dunyoqarashini bilib olish mumkin. Tarixdan ma'lumki, inson ongi yuksalib, boshqalardan uyalish, andisha hissi paydo bo'lishi bilan kiyinish odatga aylangan. Bu holat dastlab ayollarda kuzatilgan. Shuning uchun bo'lsa kerak, kiyim-kechak va taqinchoqlarni ko'proq xotin-qizlar xush ko'radi.



Zamonaga boqqanimiz sayin hayotimizda "moda", "stil" kabi tushunchalar mahkam o'rashib bormoqda. Kiyim tanlash bobida negadir qizlar ko'proq tanqidga uchraydi. Ularni tor, kalta kiyim-kechakka o'ch demiz-u, ammo o'g'il bolalarni e'tibordan qochiramiz. Hozirgi olifita yigitlar o'ziga bir-ikki o'lcham kichik, tor, qizil, pushi rangli shim yoki futbolka kiyib yurganiga nima deysiz?! O'ylanib qolasan, kishi, qachondan boshlab ular o'zini shu alfozda ko'z-ko'z qiladigan bo'lib qoldi?

Aslini olganda tanani siqib turuvchi libos inson organizmi uchun zarar. Bunaqang "moda" turgan gapki, xorijdan kirib kelmoqda. Tadbirkorlarimiz esa, milliyatimizga yot mahsulotlar bilan bozor rastalarini to'ldirishdan charchamayapti. To'g'ri-da, iste'molchini tarbiyalashdan ko'ra ularning cho'ntagini bo'shatish foydaliroq. Ammo, bizningcha, ming mashhur brend ostida ishlab chiqarilmasin, chet elning "mazasi" kelib turgan, aslida esa, madaniyatsizlikni targ'ib qiluvchi kalta-kulta, juldur

ust-boshlar yoshlarimizga sira yarashmaydi. Muayyan muddat xorijda yashagan yurtodoshlarimiz u yerlarning tartib-taomliga o'rganib qolishi tabiiy. Biroq bunday o'zgarishdan millatning boshi egilmasligi kerak.

Bekatda avtobus kutib turgandim. Maktab yoshidagi ikki qizning suhbatni quqolimga chalindi. — Nodira, maktab formang nega burchalik kalta? Xarid qilishga kim bilan borganding? — Oyim bilan. Koreys o'quvchilari ham xuddi shunday forma kiyarkan-ku. Kecha kinoda ko'rdim. Menga shunaqa uslub yoqdi.

Ko'rinib turgandek, ertamiz egalari xorijiy film, serial va kliplarda ko'rganini takrorlashga, sabab-oqibatini tahlil qilmay, ko'r-ko'rona o'zlash-tirishga harakat qiladi. Buning oxiri voy! Jamoat transporti, ko'cha-ko'ya kalta, ochiq kiyingan qizlar bilan noqulay vaziyatlar ko'p kuzatiladi. Bundan bir haftacha oldin metroda xunuk manzaraga guvoh bo'lgandim. "Paxtakor" bekatidan bir qiz chiqib, yoshi ulug'roq amakining yonginasiga turib oldi. U shunchalik ochiq kiyingan ediki, kekka otaxon o'zini noqulay his etib, o'midan turdi va manziliga tik holatda yetib oldi. Hech tushunmayman: qiz bola yoki yigit uyidan chiqayotganida, avvalo, ota-ona nazaridan o'tadi. Nahotki kattalarimiz no-maqbul holatlarga tomoshabin sifatida jim qarab turaversa. Axir, farzandning yurish-turishi oila sha'ni va obro'-e'tiboriga ta'sir ko'rsatadi-ku.

Shu bois ko'chaga chiqishdan oldin o'zimizga: "Men qayerga boryapman?" Kim bilan uchramaman?", "Tashqi ko'rinishim bironing g'ashiga tegmaydimi?" qabildagi savollar bilan murojaat qilaylik. Toki, egnimizdagi libos ko'rkimizga aylansin.

SALOMATLIK SIRLARI

TARVUZNING SHIFOBAXSH XUSUSIYATLARI

Deyarli yil o'n ikki oy savdo rastalarida uchraydigan bu meva buyrakni tozalab, o't pufigi va bo'g'inlarda tuz to'planishini bartaraf etadi. Tarvuzni to'g'ri va me'yorida iste'mol qilish qoni quyuq, qon bosimidan aziyat chekadigan, shuningdek, ozish istagidagi insonlar uchun juda foydali.

Tarvuzni tanlayotganda uchidagi bandchisiga e'tibor bering. U yashil bo'lsa, demak, mahsulot hali yangi. Tarvuzni ertalab ham, kechqurun ham bir necha mahal dan iste'mol qilish mumkin — zarar qilmaydi. Lekin mukkasidan ketmang. Aks holda, foydali element va vitamin-



lar organizmdan yuvilib ketadi. Shifo topishni istaganlar mevani kun davomida o'zining yeyishi kerak, ora-orada faqat ozgina suv ichsa bo'ladi. Muolajani kamida yetti kun takrorlash kerak. Biroq buyragida jiddiy

kasalligi yoki xuruj be-rish darajasida toshi bor bemorlar ushbu tavsiyaga shifokor ruxsati bilan amal qilgani ma'qul.

Internet manbalari asosida R.RUSTAMOV tayyorladi.

"ILMU MA'RIFAT ZAHMATKASHI" BILIMDONLIK MASHQLARI

xil so'zlanadigan so'z". 4. Yil fasliga bag'ishlangan she'ri". 5. Abdulla Avloniy 1907-yilda o'z zaviida tayyorlab chop etgan gazeta. 6. Ilmu ma'rifat homiysi tavallud topgan shahar. 7. Ibratli so'zlaridan: "... bizlar uchun yo hayot — yo mamot, yo najot — yo halokat, yo saodat — yo falokat masa-

lasidur". 8. Darlik kitobi nomidan: "... yoxud milliy she'ri". 9. Abdulla Avloniy tashkil etib badiiy rahbarlik qilgan teatr truppasi. 10. Avloniy o'qib-o'rganib ilhom olgan buyuk o'zbek mumtoz shoiri. 11. Ijod sohibi ulug'lagan insoniy fazilatlaridan biri. 12. Ma'rifat homiysi truppasi



o'z tomoshalarini namoyish etgan Toshkentdagi hashamatli teatr binosi. 13. Ijodkorning "Ey millati najib, chiq emdi niqobdin" misrasi bilan boshlanuvchi she'ri. 14. Abdulla Avloniy mukammal o'rganan tildardan biri. 15. Ijod sohibining e'tiroficha, har ishini amalga oshirishdagi eng muhim jihat. 16. Avloniy faoliyat olib borgan jaddilik harakati darg'alaridan biri. 17. Hikmatli so'zlaridan: "... deb, qiladigan ibodatlarimizni, ishlarimizni har birining o'z vaqtida tartibi ila qilmoqni aytilar. Agar yer yuzida ... bo'lmasa edi, insonlar bir daqiqqa ham yasholmas edilar". 18. Turkiston turmushidan olib yozilgan to'rt pardalik "Biz va Siz" fojia asari qahramoni. 19. Hajviy asarlari chop etilgan jurnal. 20. 1904-yilda Abdulla Avloniy usuli jaddi maktabini ochgan Toshkentdagi mahalla. 21. Hikmatli so'zlaridan: "Har bir kishiga sinamasdan, bilmasdan ... qilmak, sir aytmak zo'r aqlsizlikdur". 22. Ibratli misralaridan: "Yaxshi xulqlarning yaxshiligini, yomon xulqlarning yomonligini dalil va misollar ila bayon qiladur on ... ni axloq deyilur". 23. Gul shaydosi bo'lgan qushga atalgan she'ri.

MUAMMONOMA. Kalit so'zlar: 1. Yosh Abdulla savodini davom ettirgan zamonasining ilmgohi — 9, 3, 8, 4, 3, 10, 3. 2. Ijodkorning "Afg'on safari" kundalik asarida ta'riflangan shahar — 14, 2, 4, 6, 11. 3. Masali nomidan: "13, 3, 9, 2, 12 ila qovg'a". 4. Hikoyatlaridan biri — "3, 13, 5, 2, 13, 3, 4, 16, 3". Hikmatlaridan: 5. "Suhbati solih qilur 1, 6, 9, 2, 5 sani, Suhbati johil qilur fosih sani". 6. "Tarbiyat qilg'on bila noasil odam bo'lmag'ay, Ijoni yuz alvon ila 4, 3, 7, 15 etsalar bo'lmas ipak". Endi shakl atrofidagi raqamlarni kalit so'zlari javoblaridagi harflar bilan almashtirish orqali muammonomani hal eting. Bunda ulardan ilmu ma'rifatimiz zahmatkashining ikki misra hikmatini bilib olasiz.

Tuzuvchi: Foziljon ORIPOV.

MUASSIS O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI MARKAZIY KENGASHI
Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2017 yil 2 avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.
Bosh muharrir Karimov Faxriddin Turdaliyevich

TAHRIR HAY'ATI
Kamoliddin Beknazarov, Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiye, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov, Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"); Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"); Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана").

Dizaynerlar Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich Norboyev Jamoliddin Jumanazar o'g'li
Navbatchi Javlon Vafoyev

"YOSHLAR OVOZI" dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (fax)
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz
"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq. Korxon manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.
Indexlar: 203, 3203 Baxosi kelishilgan narxda
Buyurtma G-736 Adali — 12955
Bosilgan topshiriq vaqti — 21.00 Topshirildi — 23.40 O'za yakuni — 22.55